

ЎЗНОМА  
1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН

# Ўзбекистон

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 80 (2344)

1991 ЙИЛ 4 ИЮЛЬ

ПАЙШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИЙИН

АКС-САДО

## «Жиноятчилик кўпаймоқда:

нега?»

Ассалому алайкум, азизлар!


Мен қирқ йилдан ортиқроқ муаллимлик қилдим. Ҳозир жумҳурият аҳамиятига молик пенсионерман. Шу йил 22 июнда рўзномангизда берилган «Жиноятчилик кўпаймоқда: нега?» мақоласини ўқиб, қаттиқ таъсирландим. Гапнинг очиги, уруш йиллари ҳам, қаҳатчилик даврларида ҳам жиноят ҳозиргидек кўп бўлмаган. Д. Саидовнинг бу мақоласида ҳар битта жумла, ҳар битта сўз топиб, териб айтилган ҳақиқатдир. Айниқса, «...фарзандларимиз миллий туйғулар чекланган доирага гўдаклик чоғиданоқ тушар эканлар. Миллий туйғу чекланиши — бу гурурнинг чекланиши. Гурурсиз кимсада ЭЪТИҚОД шакланган эмас, шакланмайди ҳам» деган фикр жуда топиб айтилган. Менимча, бу мақола ҳар бир мактаб, халқ таълими ва ички ишлар бўлимлари, бошқарма ва вазирликларда муҳокама қилиниши шарт.

**Муҳсин ЗОКИРОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, филология фанлари номзоди.

Дилмурод Саидовнинг «Поста» рўзномасида чоп этилган мақоласини оиламиз аъзолари жам бўлиб, икки мартадан ўқиб чиқдик. Муаллиф фикрига қўшилмаслик мумкин эмас. Лекин жиноятчиликнинг ўсиб боришига сабаб нима? Менимча, нархавоннинг ошиб кетгани. Бу ҳолга барҳам бериш учун чет эллар билан мустақил равишда иқтисодий алоқа ўрнатиш керак. Ўзимиз тўй-сак, кўзимиз тўяди. Кўзи тўқ одам эса ҳеч қачон жиноятга қўл урмайд.

**Муҳайё АЛИМОВА,**  
Тошкент шахри.

Эгри иш—келтирар ташвиш



Сурхондарё вилоятининг Далварзин матлубот жамиятига қарашли 27-озиқ-овқат дўкони мудир Соатали Ортиқов 72 қоп оқ қанд, 72 қути гугурт, 295 килограмм чой содасини ва Шўрчи матлубот жамиятининг Элбоён станциясидаги 58-ароқ-вино дўкони мудир Муротали ЖУРАЕВ 1854 шиша ароқни ўз уйларидаги пинҳона жойга яширдилар.

**СУРАТЛАРДА:** Шўрчи тумани ИИБ БХСС бўлими маси бошлиғи милиция майори Файзулла Собиров яшириб қўйилган ароқларни кўздан кечирмоқда; БХСС бўлими маси оператив вакили милиция катта лейтенанти Султон Эргашев олғир сотувчиларни фотосуратда фаол қатнашди. Шахсий «омбор»даги моллар. Суратлар муаллифи Ҳабибулла ШОДИЕВ.

## «ТАЖРИБАСИЗ» СОТУВЧИ

Фаргона вилояти Киров тумани халқ суди 27-аралаш моллар дўкони сотувчиси М. Маматқуловнинг ишнини кўриб чиқиб, уни икки йилгача савдо соҳасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилди.

М. Маматқулов харидорлар ҳақида хиёнат қилишда айбланади. Унинг бу ноқонуний ҳаракатларини эса тажрибасизлиги билан изоҳлайди. Унинг фикрига қўшилмаслик иложи йўқ. Чундан ҳам агарда у тажрибалироқ бўлганида эди, кимдан уриб қолса бўлади, кимга эса қўшиб бериш керак, аллақачон фарқлаб олган бўларди.

**М. ИСРОИЛОВА.**



## Бурчимизни унутмайлик

Биз «Поста»нинг чиқа бошлаганидан жуда хурсандимиз. Чунки бу рўзнома орқали халқимизга шу пайтгача гапиролмай келган юрак сўзларимизни бемалол айта оламиз.

Сизлардан илтимос, биз ёзиб юборётган таклиф ва истакларни одамларга етказиб турсангизлар. Ана шундагина, биз халқимиз билан бир-биримизни тушунган ҳолда, ўзаро кўмаклашиш ила иш олиб борган бўлар эдик. Мен 6 йилдан бери милиция сафида йўл назорати инспектори бўлиб хизмат қилиб келаяман. Мана шу давр мобайнида кўплаб ҳодисаларнинг гувоҳи бўлдим ва анча нарсага тушуниб етдим.

Фуқаролар биздан ёрдам кутмади, лекин уларнинг кўмагисиз биз ҳам ҳеч бир иш қилолмаймиз. Мана ўзингиз ўйлаб кўринг-а. Милиция фолбин ёки сеҳргар эмаски, бир зумда айбдорни айбдорга, айбсизни айбсизга ажратиб берса. Бунинг учун

қанчалик кўп меҳнат, узоқ текшириш, ипидан-ипнаси-гача таҳлил қилиш, гувоҳлар кўрсатмаларига суяниш талаб этилади. Ана шу гувоҳлар ҳаммаша ҳам топилаверадими! Афсуски, йўқ.

Ўзимнинг тажрибамдан келиб чиқиб, баъзи бир фикрларимни кўпчилик билан баҳам кўрмоқчиман. Айтайлик, гавжум кўчада бораётган кишининг машина уриб юборади, ҳайдовчи ҳатто тибиб ёрдам кўрсатмасдан қочиб қолади. Албатта, бу воқеани ўша ердаги кўплаб одамлар кўради. ДАН хонимлари етиб келганда, кам деганда 20-30 нафар фуқаро томошабини бўлиб турганини кўрасиз. Энг ачинарлиси шундаки, ёрдам сўрасангиз, яъни қандай рангдаги, қайси белгилли машина урганлигини билмоқчи бўлсангиз, ҳалигилар бирин-кетини гоёиб бўлишад. Нимагадир ҳам-

ма «гувоҳ» сифатида кўрганларини айтишдан кўрқад. Баъзи бировлар: «Милиция бўлганидан кейин толда»,— дея дўқ ҳам уришад.

### Фикримни билдираман

Бояги айтганимдай, на давлат белгиси, на ранги, на қанақанги машина эканлигини билмаган милиционерларга уни қидириш осонми! Айниқса, турли-туман транспорт воситаси кўпайган ҳозирги кунда. Маълумки, одам уриб кетган машина учалик сезиларли шикаст олмайд. Ҳайдовчи ўша ерни жуда тез, унинг устига билганидан қилиб тузатиб олиш

мумкин. Мана қарабсизки, шундай оғир жиноят содир қилган шахс фуқаролар ёрдамида жазосиз қолиб кетади. Минг афсуски, бундай воқеалар кўплаб учрайди. Бу одамларнинг тушунмаслигидан, ортиқча овозагарчилик, дея ўйлаганликларидан келиб чиқмоқда. Рўзномасеварлар мени тўғри тушунсин, лекин бугун айтишга мажбурман, ҳалиги машина тағида қолган бечоранинг аҳолига лоқайд томошабини бўлиб қараб турганларнинг бошига ҳам бир кун шундай кулфат ёғилмайди, деб ким кафилик бера олади. Менимча, ҳеч ким. Шунинг учун айтмоқчиманки, биродарлар аҳил бўлайлик, бир-биримизни тўғри тушунган ҳолда керак пайтда кўнгилдан чиқариб ёрдамлашайлик. Ана ўшанда жиноятчилик камайд, хотиржамроқ яшаймиз.

Тўғри, айрим дамларда ўз юртини, халқини севган ҳақиқий фидойи нисонларга ҳам дуч келамиз. Улар ширин уйқусидан кечиб туни билан бизга шерик бўлиб юрадилар. Қилган ёрдами учун миннатдорчилик билдирганимизда эса: «Бу бизнинг нисоний бурчимиз»,— дейишад. Ана шу ҳаракати билан улар ўзинга ўзи ёрдам берган бўлади. Чунки милиция ҳам халқники, Емон ниятли одамлар эса, у хоҳ милиционер, хоҳ бирор раҳбар ёки оддий ишчи бўлсин, халқ назаридан, эътиборидан қолади. Шу билан бирга кўпчиликка қарата айтадиган истаким бор. Ўзингизнинг посбонингизга керакли даврда кўмаклашинг. Жиноятчиликнинг томирини биргаликда қирқинг.

**Н. БОЙНАЗАРОВ,**

Навой шаҳар ИИБ ДАНБ взвод командири милиция лейтенанти.

# ОТА ИЗИДАН

Раззоқ ота Тўрткул шахрида, ўгли Йўлдош Раззоқов эса Беруний туманида истиқомат қилади. Баъзан тенгқурлари:

— Раззоқбой, кексайган пайтингда фарзандинг қантинг остида бўлганига нима етсин. Ўглиниги Тўрткулга чақириб олсанг бўларди. Узоқнинг донидан яқиннинг сомони яхши деган гап бор. — дейишади. Бундай гапларга отанинг жавоби тайёр.

— Тўғрику-я, лекин ўзим ҳам милицияда 36 йил хизмат қилганман. Халқимизнинг одам эл тилаган жойда азиз, деган нақли ҳам бежиз эмас. Ўғлим у ерда кам бўлмапти. ИИБ қошидаги соқчилик бўлимининг бошлиғи, унвони эса меникидан юқори — милиция майори, — дейди фахр билан.

Ўйлаб қараса, ўғлини, бири-биридан ширин набираларини кўрмаганига ҳам анча бўлибди. Бир чақчақлашиб келай, дея Берунийга қараб жўнади. Ўғлининг хонадони байрам тусини олди. Бири қўйиб, бири гапириб, кечки овқатни тановул қилишди. Кейин Йўлдошбой хижолатомуз отасига юзланди.

— Кечирасиз, энди ота, хизматчилик, бирров идорага бориб келсам...

— Бемалол, ўғлим, иложи бўлса, тезроқ қайтарсан.

Йўқ, Йўлдошбой иложини тополмади. Фақат эртаси куни тонгда отаси уйғониб, юзини юваётган пайтда салом берди. Кейин узр сўради.

— Биласиз-ку, ота, кеча бўлимда текширувчи эдим. Марказий қўриқлаш пункти бошлиғи милиция катта лейтенанти Болтабой Аҳмедов билан соқчилик бўлимининг ўқув тревогаси бўйича синаб кўрдик.

— Балли, ахир доноларнинг гапи бор: машаққат канча қийин бўлса, жангда шунча осон бўлади. Хўш, натижасини гапир, ўғлим?

Йўлдошбой отасининг ҳам қизиқиб кетганини кўриб, қўлфи дили очилди. Кечаги таассуротларини тўлқинланиб ҳақоя қилишга киришди.

— Тунги соат бирларда шаҳар матлубот жамияти омборидан туриб тревога



бердик. Йигитларимизга қойил, қўлга олиш гуруҳи уч дақиқа ичида ҳозир нозир бўлди. Уларга-ку, ташаққур айтиб, жўнатиб юбордик. Лекин мен барибир кўнглини бир жойга қўя олмадим.

— Нега энди?

— Бу тасодиф бўлиши ҳам мумкин, деб ўйладим. Яна бир марта текшириб кўриш кераклигини ҳамроҳимга айтгандим, рози бўлди. Биз бу сафар тижорат дўконидан туриб тревога кўтардик. Азаматлар бу сафар ҳам уч дақиқа ўтмай етиб келишди.

Тўғриси айтганда, Раззоқ ота бу гапларни эшитиб қувонди. Чунки, ўзи ҳам юқорида айтилганидек, шу соҳада 36 йил хизмат қилган. Тарихнинг такрорланишини қарангки, ўғли ҳам худди унинг изидан борапти. Ота ўша пайтларда милиция ходими учун биринчи навбатда хушёрлик ва тадбиркорлик зарур, деб ҳисобларди. От ўрнини той босар, деганларидек, ўғли ҳам шундай.

— Бу ишингку, яхши, лекин текширувдан кейин уйга келаверсанг бўларди. Тиқ этса эшикка қараб, алламаҳалгача ухлай олмадим.

— Келмоқчи эдим, ота, яна иложи бўлмади.

— Нега энди?

— Роппа-роса тунги соат

учда 309-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна кассасидаги ташвишгоҳ чиндан ишлаб кетди. Шеригим билан машинани Саноат кўчасига қараб бурдик. Етиб бориб, милиция катта лейтенанти Умар Қодиров, милиция старшинаси Ашир Амонқуловларни кўрдик.



Суратларда: 1. Раззоқ ота Болтаев тез-тез тинчлик посбонлари орасида бўлади. Қимматли маслаҳатларини улардан аямайди. Бу сафар у Беруний тумани ИИБ бошлиғи милиция подполковниги Фарҳод Иброҳимов, бошлиқ ўринбосари милиция майори Ҳайитбой Аминов (ўнгда) ва ўғли соқчилик

Азаматлар Йўлбарс номли хизмат ити билан воқеа содир бўлган жойга биздан олдин етиб келишга улгуришибди.

— Кейин нима бўлди, кейин? — сўради ота ҳаяжонини яширолмади.

— Касса жойлашган хона эшиги бузилган экан. Ичкарига аввал ит билан А. Амонқулов, кейин биз кирдик. Номасълум шахс лом билан темир қути қўлфини бузишга уринаётган экан. Қўлга олиб, ИИБга келтирдик. Кейин маълум бўлишича, кассада кўчма колонна ишчи-хизматчиларига тарқатилиши керак бўлган 36 минг сўм пул бор экан. Агар озгина кечикканимизда борми...

Ана шундай қизғин суҳбат билан нонушта қилишди. Сўнгра ўғил яна отага юзланди.

— Яна менга рухсат берасиз, бўлимга бориб, хабар олишим керак.

Раззоқ ота унга бир неча сония тикилиб турди-да, кейин фотиҳага қўл очди.

— Омин, сени ва сенга ўхшаганларни яратганинг ўзи асрасин, оллоҳу акбар!

Саъдулла БОБОЕВ.

бўлими бошлиғи милиция майори Йўлдош Раззоқовлар меҳмони. 2. Й. Раззоқов марказий қўриқлаш пункти бошлиғи милиция катта лейтенанти Умар Қодиров ва навбатчи Болтабой Аҳмедовлар билан навбатдаги ўқув машғулотлари тўғрисида суҳбатлашмоқда.

Муаллиф олган суратлар.

# САМАРАЛИ ТАДБИР

Қамаш тумани ИИБ ходимлари «Комплекс» операциясини ўтказдилар. У салкам бир ой давом этди. Унда участка инспекторлари фаол иштирок этиб, яхши кўрсаткичларга эришдилар. Тадбир жараёнида 400 дан ошмиқ паспорт режимини бузган кишилар устидан маъмурий баённомалар тузилиб, комиссияга юборилди. Рухсатсиз уйларида автотранспортларни сақлаган 124 ҳайдовчига чора қўрилди. Ёнғин хавфсизлиги юзасидан 90 дан ошмиқ иморат кўздан кечирилиб, аниқланган камчиликлар бўйича тегишли кўрсатма берилди. 20 дан ошмиқ бинонинг техник ҳолати текширилгач, зарур йўриқлар қабул қилинди. 3 нафар дайди Қарши шаҳридаги махсус қабулхонага жўнатилди. 30 га яқин ароқхўр ИИБга келтирилиб, жаримага тортилди, улардан 4 киши наркологик диспансерга даволанишга юборилди.

Узларига текинхўрликни касб қилиб олган 6 шахс расмий огоҳлантирилди. 3 гиеҳванд ҳисобга олиниб, 34 киши майда безорилиги учун 10-15 суткалик маъмурий қамоқ жазосига тортилди.

Маст ҳолда автомашиналарини бошқариб бораётган 8 ҳайдовчига маъмурий чора қўрилди.

Участка инспекторлари ички ишлар бўлимининг етакчи кучи ҳисобланади. Улар ўтказилган тадбир чоғида бунга яна бир қарра иsobладилар. Шунингдек, улар «Қорадори» операцияси бўйича ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Милиция катта лейтенанти Н. Маҳмадиев, милиция капитани Э. Унғбоев, милиция лейтенанти Г. Хўжаниёзовлар фуқаролар томоғқаларида экилган кўкнори ўсимликларини аниқлаб, йўқ қилдилар.

Аҳолида қонунсиз сақланаётган ўқотар қуроолларни олишти участка инспекторлари милиция катта лейтенанти Қ. Бешимқулов, милиция лейтенанти Б. Назаровларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ушбу операцияда фаол қатнашиб, юқори натижаларга эришган ходимлар раҳбарият томонидан рағбатлантирилди.

Зубайдулло МУҲАММАДИЕВ, милиция майори.

## Автомат керакми?

Наманган вилояти ИИБ ЖҚБ ходимларининг Учқўрғон ва Косонсой туманлари ички ишлар ходимлари билан биргаликдаги фуқаро И. Альбет хонадонига ўтказган тинтувлари без кетмади. Учқўрғон шаҳар Привокзал кўчасида яшовчи бу шахснинг уйдан тўппонча, 19 дона ўқ ва Германияда ишлаб чиқарилган кўздан ёш оқизувчи газ топилди.

Босқинчиликда айбланаётган В. Бахрутдиновнинг хонадонидан рақамсиз, 1962 йилда чиқарилган милтиқ мусодара қилинди.

Вилоят ИИБнинг ДХҚ ходимлари билан ўтказган текшируви ҳам самарасиз бўлмади. Улар С. Мўминовнинг 150 та жанговар ўқи бўлган автоматни борлигини аниқладилар. У қуролини Москва вилояти яқинида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчидан 1.500 сўмга сотиб олганини айтди.

Наҳотки, ҳарбий қисмлардаги жанговар қуроолларни пул керак бўлиб қолганда, аскарлар бемалол сотиб юбораверса? Озиқ-овқатнинг ҳисоби бўлган вақтда, ажал қуролининг беҳисоблиги жуда қизиқ.

Б. ХОЛМАТОВ.

## ГИЛАМ ҲАММАГА ЁҚАДИ...

Шўрчи туманидаги 6-мелбел фабрикаси ишчиси Жўрақобил Жўраев жиноятга қўл урди. Шевченко кўчаси 8-уй, 25-хонадонда истиқомат қилувчи 21 ёшли Жўрақобил 17 майдан 18 майга ўтар кечаси тумандаги меҳмонхона деразаларидан бирининг ойнасини синдириб ичкарига киразида ва у ердан баҳоси 800 сўмлик гиламни (эски нархда) оппа-осон кўтариб чиқади. Сўнг «Коммуна» жамоа хўжалигининг «Ёш ғайрат» участкасида турадиган танишининг олдига олиб бориб қўяди. Ҳо-

зир бу гиламнинг баҳоси 2 минг сўмдан ҳам ошиб кетди.

Ички ишлар бўлимига кўнғироқ бўлганидан сўнг оператив гуруҳ ўғрини аниқлайди.

Жиноят қидирув бўлими бошлиғи милиция майори Мадамин Исоқов, терговчи милиция капитани Муҳаммади Қурбонов ушбу ўғирлик бўйича ишни ниҳоясига етказишди. Яқин ўртада Жўрақобил Жўраев суд олдида жавоб беради.

Ҳабиб ШУКУР.



СУРАТДА: жиноят қидирув бўлими бошлиғи милиция майори Мадамин Исоқов Жўрақобил Жўраевдан

воқеа тафсилотини сўрапти.

Муаллиф олган сурат.

## Пулга қарши ЭМ

мида ўзлаштирилган бу пулларнинг тақдири ҳеч кимни қизиқтирмаганидан кейин янги йилга катта орзу-умидлар билан кўз тикди.

1989-йилнинг 1 февралдаёқ 2400 сўм ёзилган ҳужжатларни 1400 сўмга алмаштирди-ю, ўлжасини пойлаган мушукдай апрелгача пусиб ётди. Йўқ, ҳеч ким билмади.

17 апрель куни 1750 сўмни 1350 сўмга ўзгартириб, 400 сўмни силаб-сийпалаб чўнтагига жойлаб қўйди. Пул пулни тортарканми ё қўл шунақа касалга йўлиқарканми, 28 апрель куни яна 200 сўмни олишга «мажбур» бўлди.

Яна хиди чиқиб қолмасин, деган ниятда орадан бирикки ойни ўтказишга қарор қилди. Аммо пул жигардан бино бўлгани, белнинг дармони эканлиги қурсин, 16

май куни тагин 100 сўм зарур бўлиб қолди. Бу ёғига эса «чегириш» авжга чиқиб кетди. Тожибой пулни кўрганида ўзини тутолмай қоладиган дардга йўлиқди. Қачонки ундан озгина чўнтагига солиб, тафтини сезсагина хуружи қўйиб юборарди. Бу дарди бедаво 1 июнь куни 100,17 июлда 200,1 августда 600,16 августда 200,15 сентябрда 60, 2 октябрда 1000,1 декабрда 400 сўмнинг бошини еди.

Остонадаги янги йил унга янги-янги рақамларни ваъда қиларди. У тулпорга умид

билан боқди. Унинг режаларига оппоқ от хайрихоҳлик билдиргандай бўлди. 1990 йилнинг январини ҳам ёмон бошлагани йўқ. Нақд юз сўмни дардига малҳам қилди. Аммо тулпор унинг эгриликларини ҳазм қилолмай устидан иргитиб юборганди, тўппа-тўғри суднинг қора курсисига ўтириб қолди.

6 нафар фарзандини ўртага қўйиб, астойдил ялиниб-ёлворинга тушди.

Суд ҳайъати «еб» юборган пулларини, яъни 6360 сўмни давлатга қайтарганини ва болаларини ҳисобга олиб, мол-мулкни мусодара қилмади. Ўзини эса 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.







Афсус, Тожибой ҳисобчи бўлиб ишга кирётганида кўпчилик пулини еб юбориш касаллигига қарши эмланмаган эканда.

М. ИБРОҲИМОВА.

## Яхши тажриба ҳамманинг — мулки

КАШҚАДАРЕ ВИЛОЯТИ ИЖРОИЯ ҚУМИТАСИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ «МИЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ВА ХУҚУҚИЙ ЖИХАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТУҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

# Ходимларга ғамхўрлик — диққат-эътиборда



Жумҳуриятимизда «Ми-  
лиция ходимларини ижти-  
моий ва ҳуқуқий жиҳатдан  
ҳимоя қилишни кучайтириш  
туғрисида»ги Қонун қабул  
қилингандан бери ярим  
йилдан кўпроқ вақт ўтди.  
Шундан бери ҳуқуқ-тарти-  
бот посбонлари ўзларига  
нисбатан ғамхўрлик кучай-  
ганини ҳар қадамда, ҳар  
нафасда сезиб келмоқдалар,  
десак муболаға бўлмайди.  
— Қонун кучга кирган-  
дан кейин то шу кунгача  
уни ижро этишга астойдил  
ҳаранат қилиб келмоқда-  
миз, — дейди Қашқадарё  
вилояти ИИБ бошлиғи ми-  
лиция полковниги, ЎзССЖ  
халқ ноиб Насриддин Ис-  
моилов. — Ўзингиз ўйлаб  
кўринг, агар ходим хизмат-  
да юрса-ю, оиласида ёки  
бошқа ташвиши бўлса, ун-  
дан бирор муваффақиятни  
кутиб бўладими? Тўғри,

ҳамма жойда ҳам уларни  
ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя  
қилиш борасида анча-мунча  
ишлар қилинаёпти. Аксари-  
ят ҳолларда масаланинг иж-  
тимоий жиҳатини амалга  
ошириш суҳт кетаяпти.  
Бошқармамиз раҳбарияти  
асосий эътиборни ана шун-  
га қаратаёпти. Ҳозирги кун-  
ларда участка вакилларини  
транспорт ва телефон билан  
таъминлашга, шахсий тар-  
киб учун турар-жой, ер  
участкалари ажратишга,  
уларнинг фарзандлари учун  
боғча, спорт иншоотлари,  
кашшофлар дам олиш уй-  
лари қуришга алоҳида аҳа-  
мият бераёلمиз.

ИИБ бошлиғи айтган  
сўзлар тасдиғини қилинган  
ишлар кўлаmidан ҳам то-  
пиш мумкин. Усмон Юсу-  
пов, Чироқчи, Яккабоғ ту-  
манлари ва Қарши шаҳар  
ички ишлар бўлимлари ав-  
валлари бир қаватли мос-  
лашган биноларда жойлаш-  
ган эди. Эндиликда шу бў-  
лимлар ходимлари замона-  
вий тишда қурилган нураф-  
шон хоналарда ишлаш им-  
кониятига эга бўдилар.  
Оператив ходимларнинг ҳар  
биттаси алоҳида-алоҳида иш  
кабинетлари билан таъмин-  
ландилар.

Биргина Қарши шаҳри ва  
тумани ижроия қўмиталари  
қарори билан 200 дан ор-  
тиқ ходимга турар-жой би-  
нолари ажратиб берилди.  
Бундан тапшари шундоққина  
бошқарма ёнида яна иккита  
40 оиллага мўлжалланган  
уйлар қурилиши бошлаб  
юборилди. 60 кишилик ши-  
фохона учун майдон ажра-  
тилди. Шаҳарда 280 ўрин-  
ли «Юлдузча» болалар боғ-

ча-яелиси ички ишлар хо-  
димлари фарзандлари би-  
лан гавжум.

Худди, шунингдек, вило-  
ятда тинчлик посбонлари  
фарзандларининг соғлом ва  
бақувват бўлиб вояга етиш-  
лари учун ҳам шарт-шароит  
муҳайё. Бу борада Чироқчи  
туманидаги Ҳисор тоғ ён-  
бағрида жойлашган «Ойбу-  
лоқ» кашшофлар дам олиш  
уйи туғрисида тўхталиш  
мақсадга мувофиқдир. Су-  
лим ва салқин ердаги бу  
масканинг ўртасидан зилол  
сой кесиб ўтади. Кашшоф-  
лар оромгоҳи яқин кунлар  
ичида болаларни ўз қучоғи-  
га чорлайди. Шунингдек, бу  
ерда узоқ-яқиндан келган  
ота-оналар учун ҳам иккита  
меҳмонхона барпо этиляяпти.

Ички ишлар бошқарма-  
сининг ўзида ҳам ходимлар  
учун бир қатор қулайликлар  
яратилган. Тўрт қаватли бу  
бинода ҳашаматли ошхона,  
томоша зали, махсус дў-  
кон, шинамгина бар, сарта-  
рошхона мавжуд. Салкам  
бир гектар майдонда ястан-  
ган боғда эса 300 тупга  
яқин олма, ўрик, шафтоли,  
500 тупга яқин хурмо барқ  
уриб ўсмоқда.

Хуллас, Қашқадарё вило-  
ятда милиция ходимлари-  
нинг самарали хизмат қи-  
лишлари учун энг зарур  
шарт-шароитлар муҳайё  
этилган, десак, янглишмай-  
миз.

**Қодиржон  
МУҲАММАДЖОНОВ,  
ЎзССЖ ИИБ шахсий  
таркибни ижтимоий, ҳу-  
қуқий муҳофаза қилиш  
ва тарбиялаш бошқар-  
маси ходими милиция  
майори.**

Суратларда: 1. Кишинтойлар маскани улар-  
нинг шодон кулгилари билан серфайз.  
2. Қишқи спорт иншоотида ҳам барча қу-  
лайликлар бор.  
3. Ёз фаслида эса ички ишлар ходимлари  
шу ерда ўз саломатликларини мустаҳкамлай-  
дилар.  
4. Полизда бу йил ҳам ҳосил мўл.  
5. Вилоят ИИБ биносининг умумий қури-  
лиши; дўкон чоғроқ бўлсада, у ердан истаган

нарсани харид қилиш имконияти бор; замона-  
вий барда ўтириб, бир пиёладан қаҳва ичиш  
кишига куч-қувват ва тетиклик бағишлайди;  
мўъжазгина сартарошхона ва малакали сар-  
тарош доимо мизозлар хизматида.  
• 6. Тинчлик посбонлари навбат билан ана  
шундай шинам турар-жойларга эга бўлиша-  
япти.

Сураткаш Ҳабибулла ШОДИЕВ.



— Кечирасиз, ўртоқ милиционер, мени ўртоқларим урган эмас. Яшириб нима қилдим, мен сизга айтсам, бунинг ҳаммаси тасодифан бўлди. Мен уни мутлақо танимайман. У мени машинага таклиф этди.

— Йўқ, йўқ, тўхтаг. Ким сизни машинага таклиф этди? Нима учун? Келинг, шошилмасдан бир бошидан гапириб беринг.

Музаффарнинг қаршисидаги йигитнинг исми — Латиф эди...

Шу кун Латиф ўғил кўрганидан ниҳоятда хурсанд, озгина «отиб» олганидан бироз гандираклаб келарди. Енгинасига келиб тўхтаган машинани ҳам сезмади. Ҳайдовчи уни гапга солди. Гаплари бир-бирига қовушгач, Ҳайдовчининг таклифи билан машинага ўтирди. Бир дам чақчақлашишгандан сўнг машина эгаси илтимос қилиб қолди:

— Огайни, бир бўрдоқни кўйим бор эди, дамлаб ўлиб қолди. Ўзинг биласан, шаҳар шароити огир, кўни-кўшни эшитса гап кўпаяди. Сенэпидстанцияга айтиб, жарима тўлаттиришдан ҳам қайттирмайди. Бунга менинг тоқатим йўқ. Секунд анҳорга ташлаб келсам деган эдим. Шунга ёрдамлашиб юборсанг, кейин уйингга элтиб ташлайман.

— Кўйинг оёқлари бунча узун бўлмаса,— деди Латиф кўзларини сузиб орқага бир қараб қўяркан.

— Кайфинг жа ошиб қоптику!— гапни бошқа ёққа бурди йигит.— Заёмга ютуқ чирқанми дейман-а?

— Хотиним ўғил туққан эди, шунга қиттай ичганман.

— Ҳа-ҳў, унда ювар эканмиз-да?

— Бугун ичаман, қанча бўлса ҳам ичаман!— тиззасига муштлади Латиф.— Мана, ароқ ҳам бор.

У шимининг чўнтагидан оғзи чиқиб турган шишани кўрсатди



Улар шаҳардан чиқиб, хилват бир жойда тўхташди. Ичишди. Кун бўйи тузук оҳ-қат емаганлигидан Латиф алжираб қолди.

— Кўйинг оёқлари бунча йўғон бўлмасди, шекилли,— ўзинча гўлдиради Латиф брезентнинг бир чеккасидан кўтарар экан.


Бу гап унинг шишадошида шубҳа уйғотди. Ишлари битгач, анҳор четида кўлнинг юваётган Латиф бошига тушган зарбдан сувга қулади.

— Демак, сиз сувга ташлаганларингиз ҳаром ўлган кўй эмаслигига ишонасиз?— сўради Музаффар.

(Давоми. Боши 78-сонда).

— Мен энди эслаб, идрок эттиман: у кўй эмасди.

— Балки одамнинг жасадидир?



— Йўқ, ундай бўлиши мумкин эмас, наҳотки мен қотилга ёрдам берган бўлсам? Ахир!...— Латиф қалтираб ўрнидан туриб кетди.

— Сиз унинг қиёфасини эслай оласизми? Машинаничи?

дан еттига экан. Ишонгаси аварияга учраган. Бари трамвай билан тўқнашган. Унинг Ҳайдовчиси аёл киши. Иккинчиси чорраҳада мотоциклини урган. Қизиги шундаки, расмийлаштирилган ҳужжатларда тасмининг тормоз системалари яхши ишлашига қарамасдан, авария содир бўлгани акс эттирилган Ҳодиса айбодори— такси Ҳайдовчисининг иши шу кунларда терговда эди.

— Худди шу одам!— фургон такси Ҳайдовчисининг суратини кўриши билан ҳовлиқиб кетди Латиф.

— Мен уни сўроққа чақираман. Сиз кўринмайдиган жойдан яхшилаб кузатасиз.

Музаффар терговни кутилмаган савол билан бошлади:

— Сиз қотилликда айбланасиз, бир қизни уриб кетгансиз!

Кейин Маратнинг кўзларига синчковлик билан қаради. Унинг қандай ҳолатга тушиб қизиттирарди. Бироқ Маратнинг юзида унутган ўзгариш бўлмади.

— Ўртоқ инспектор, эҳтимол бу саволни бошқа бировга бермоқчидирсиз, мени у билан алиштирманг. Тўғри, мен авария қилганман, ишим терговда. Лекин мен урган мотоцикл Ҳайдовчиси, адашмасам, тирик қолган

япманки, сиз уни машина билан уриб кетгансиз, сўнгра ўлдириб сувга ташлагансиз!

— Бўхтон! Бу гапларингизда асос йўқ.

— Асос бор!— қатъий деди Музаффар ва тугмачани босди.

Эшикда Латиф кўринди.

— Мана у киши. Ҳўш, ҳаром ўлган кўйингизни анҳорга улоқтиришга ёрдам берган бу кишини ҳам танимасиз?! Гапиринг, Муслимов!

— Кечирасиз, бу одамни умримда кўрмаганман. Сиз менга тўхмат қилаяпсиз.

— Ахир, сен эмасми, мени машинага ўтқазган, анҳор бўйида бирга ароқ ичган? Ҳаром ўлган кўйингни сувга ташлаганимиз ёлгонми? Бошимга шиша билан урган ҳам сенсан!— гапга қўшилди қизитиб кетган Латиф.

— Мен сизни энди кўряпман.

— Имонсиз, қотил!— ўзини босолмай қолган Латифнинг қичқириви Маратга заррача ҳам таъсир қилмади.

Музаффарнинг боши қотди. Негаки, Марат жиноятни яшириш, сиртига сув юқтирмайлик учун минг хил ҳийлани ишга солмоқда эди.

АБДУСАТТОР СОДИҚОВ

# Галваса

РАСМАЛНИ Э. РАҲМАТОВ ЧИЗГАН

— Машина фургон такси эди. Адашмасам, қора рангда. Ҳайдовчининг пешонаси кенг, жингалак қалин сочлари орқага таралган. Кўзлари катта, қиррабурун, юзлари чўтирроқ. Эсимда қолгани шу.

— Расмини кўрсангиз таний оласизми?

— Ҳа, албатта эслашга ҳаракат қиламан,— деди рангги бўздай оқариб Латиф.

Маратнинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Қизни гумдон қилди, энди гувоҳ ҳам йўқ. Лекин тўқнашувда машинанинг ўнг қаноти бир оз ичига қайрилган экан. Мана шуниси Маратнинг кўнглини хиралаштирди. «Борди-ю, кичикроқ бир авария қилсам-чи? Худди машинанинг олдинги ўнг қанотини ураман. Майли, жазо олсам ҳам. Ҳар холда одам ўлдирганим билинмаса бўлди-да». Бу фикрдан ўзи ҳам қувониб кетди.

У машиналар оқимига қўшилганда ҳам ўйлар уни тарк этмади. Чорраҳада светофорнинг қизил чироғи ёнди. Марат тўхташ учун машинанинг газини пасайтирди. Олдида — мотоцикл. Режасини амалга оширишнинг энг қулай пайти келганини билди-да, ўнг қанот билан мотоциклини туртиб юборди. Мотоцикл ағанаб, Ҳайдовчиси йиқилиб тушди. Тезда милиция ходимлари етиб келишди. Маратни ички ишлар бўлимга олиб кетдилар.

Музаффар шаҳар автопаркидаги фургон таксиларни аниқлади. Шаҳарда улар-

— Сизни қотилликда айбонлаш учун бизда далиллар бор, кўрган кишилар бор,— яна Маратга юзланди Музаффар.

— Мени ноҳақдан таққир-лаяпсиз, бунинг учун қонун олдида жавоб берасиз!

— Қонун олдида кимнинг жавоб беришини, албатта, аниқлаймиз. Ҳозирча хайр.

— Бу ўшанинг ўзи!— деди тергов тугаши билан ҳаяжонланиб кириб келган Латиф.— Мен уни кузатдим, ўша!

— Бизда ҳис-ҳаяжонга берилиш қимматга тушади, янглишмаяпсизми, яхшилаб эсланг? Биз учун муҳими шундаки, у қора фургон такси Ҳайдовчиси экан. Энди сиз билан юзлаштиришга тўғри келади.

— Марат Муслимов, айтинг-чи, бу бир тасодиф бўлгандир ёки қизнинг ўзи эҳтиётсизлик қилгандир, сиз уни уриб кетгансиз, шундай эмасми?— эртаси кун сўроқни давом эттирди Музаффар.— Унга шошилчун ёрдам берганингизда, эҳтимол, қиз ўлмас эди. Тўйинга саноқли кунлар қолган экан. Ота-онасига ҳам огир бўлди. Гамдан ички букилиб қолишди бечоралар. Унинг исми Ойдин. Мана сурати, балки эсларсиз?


Марат қизнинг суратига ўта бефарқлик билан тикилди. Айниқса кўзларига қарамаслига ҳаракат қилди...

— Бу суратни менга нима мақсадда кўрсатаётганингизга ҳайронман.

— Шунинг учун кўрсат-

Аслида уни қотилликда айбонлаш учун тўлланган далиллар етарли. Муҳими, жонли гувоҳ — Латиф бор. Бари бир терговни шундай олиб бориш керакки, жиноятчи айбига тўла иқроор бўлсин. Музаффар шу ҳақда ўйларди.

— Латиф, яхшилаб эсланг, анҳор бўйида ўтирганларингизда Маратга тегишли ҳеч қандай далил, ашё қолмади-микан?



— Қайдам, кайфим ошиб галдираб қолган эдим,— бошини этди Латиф.

Улар анҳор бўйига боришди. Утирган жойларини кузатишди. Печенье бўлаклари, қоғозлардан бошқа бирор нарса топилмади.

— Эсладим!— бирдан ҳовлиқиб кетди Латиф.— Анҳор бўйида ўтирганимизда мен унинг зажигалкасини билмасдан чўнтагимга солгандим. Ҳа, аниқ эслайман, шимининг чўнтагига.

— Ростданми?— Музаффарнинг юзига қон югурди.

— Қани, кетдик!

Улар Латифнинг уйига етиб келишганида, бир талай бола ҳовлида гуж бўлиб олишган, ўртада Латифнинг олти ёшлардаги ўғли нимаидир ўртоқларига кўз-кўз қиларди.

— Мана шу!— Латиф ўғлининг кўлидан зажигалкани олиб Музаффарга берди.

Бўлимга келиб Музаффар зажигалкани синчковлик билан кузатди. Унда билнар-билинмас ёзув излари бор эди. Аммо ўқиб бўлмасди. Зажигалка экспертиза кузатувидадан ўтказилди. Унда кўйидан ёзувлар борлиги аниқланди: «Эсдалик учун дўстим Марат Муслимовга».

\*\*\*

— Мен сизга дўстингиз тақдим этган ажойиб совғани кўрсатмоқчиман,— деди табассум билан Музаффар.— Билишимча, сиз сигарета чекканда кўпроқ зажигалка ишлатар экансиз. Мана зажигалканингиз. Қаерда йўқолганини эсларсиз?

Марат инспекторнинг кўлидаги зажигалкага тикилиб қолди.

— Ҳа, меники, ишламай қолгани учун ташлаб юборганман.

— Аксинча, яхши ишлар экан. Зажигалканингиз Латифнинг чўнтагидан топилди. Анҳор бўйида ўтирганларингизда сигаретани шу зажигалка билан ёндиргансизлар. Ўтирган жойларингизда сигарета қолдиқлари бору гўгурт чўллари йўқлигига энди ишонгандирсиз? Ҳа, айтганча, зажигалкада нима деб ёзилгани эсингиздан чиқмаган бўлса керак?

— Ҳа, зажигалка меники, яна нима истайсиз мендан?!— столга мушт уриб бақириб юборди Марат.— Мен ўлдирганман қизни, мен! Лекин тушунинг, уни қасдан ўлдирганим йўқ, ўзи уриб олди. Касалхонага олиб бормоқчи эдим, лекин улгурмадим. Йўлда жон берди. Шундан кейин жиноятчи бўлиб қолишдан қўрқиб, уни йўқотмоқчи бўлгандим. Наҳотки, бир тасодиф туфайли жиноятчи бўлишим керак. Яшаш учун шундай қилишга ҳақ-қим борми, йўқ?! Лекин айбимни бўйинимга оламан.

Марат сочларини чангаллади.

— Ҳамманинг яшагиси келади,— ўйчан кўзларини Маратга қадаб гапира бошлади Музаффар.— Эҳтимол, сиз бўғиб ўлдирётган чоғингизда Ойдиннинг ҳам яшагиси келгандир? У ҳам мана шу ёруғ ҳаётга талпингандир? Яқинда тўйи бўлиши керак эди. Уни ҳам оппоқ ҳарир кўйлак — келинлик либосини кийишга ҳаққи бор эди. Афсус, сизнинг мана шу ифлос кўлларингиз Ойдиннинг барча боқира орзуларини саробга айлантирди. Сиз уни қийнаб ўлдиргансиз!

Музаффар тугмачани босди. Эшикда милиционер кўринди. Марат тилга кирди:

— Ахир, мен...

— Бўлди, бас қилинг!— деди-ю милиционерга буюрди.— Олиб чиқинг!